

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга
қўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича**

Ш А Р Т Н О М А

Наманган ш.

266 – сон

2022 йил "12" декабр

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Наманган вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиғи майор **Х.Э.Абдуллаев** (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) бир томондан, **Чорток туман 1- сон касб-хунар мактаби** номидан Низом асосида фаолият юритувчи **рахбари Н. Рашидов** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда "Томонлар" деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-БОБ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ижрочи миллий гвардия қўриқлаш хизмати, саф булинмалари, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик қўриқлаши кўринишида техник қўриқлаш пунктдан (кейинги ўринларда ТҚП деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-БОБ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

2. **Буюртмачи** Қўриқлаш бошқармаси Чорток туман Куриқлаш булими ТКП ходимлари томонидан Чорток шаҳар, Навоий куча, 5- уйда жойлашган Чорток туман 1- сон касб-хунар мактаби коровулхонасини **соат 20.00 дан 08.00 гача** қўриқлаш мақсадида (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Ижрочи**га топширади, **Ижрочи** қабул қилади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (йморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш кун ичида миллий гвардия хизмати қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

7. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-БОБ. ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

8. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати ойига а) пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати ойига 1203769 (бир миллион икки юз қизил миң ~~сўм~~ сўм), 3 ойга 3611307 (тўрт миллион ~~сўм~~ сўм) сўм;

9. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

10. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 30 кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 100 фоизи миқдорида тўловни амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичида ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида тўловни ҳар ойда амалга оширади.